

2020 йил IV чораги учун қонунчиликдаги ва меъёрий-хуқуқий хужжатлардаги ўзгаришлар

Октябрь

2020 йилнинг 20 октябрида “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Қонун 19 боб ва 123 моддадан иборат¹. Қонунда иш билан таъминлашнинг самарали ва истиқболи йўналишлари – касбий малака ва компетенцияни ривожлантириш миллий тизими, меҳнат дафтарчалари ва шартномаларини электрон ҳисобини юритишни назарда тутувчи ягона миллий меҳнат тизими жорий этилиши қайд этилди.

2020 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-куватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6091-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга мувофиқ Экспортни рағбатлантириш агентлигига тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун молиявий ресурслар ажратиш, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва молия компанияларидан экспортолди молиялаштириш учун маблағлар жалб этиш ишларини ташкилаштириш каби қўшимча вазифалар юклатилди. Белгиланган тартибга кўра 2022 йил 1 январга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси экспорт килувчиларга тижорат банкларининг экспортолди молиялаштириш, шу жумладан айланма маблағлари учун бериладиган кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 млрд. сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик беради². Таъкидлаш жоизки ушбу фармон экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, тайёр маҳсулот етказиб берувчиларни қўшимча молиявий ва ташкилий рағбатлантириш мақсадида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.10.2020 йилдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли фармонига мувофиқ трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари, корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар, хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активлари, давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиладиган корхоналар ва хусусий секторга сотиладиган давлат кўчмас мулки обьектлари рўйхатлари тасдиқланди³. Ушбу фармоннинг ижроси давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усулларини жорий этиш, хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2020 йилдаги 673-сонли “Электр энергетика соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси бюджетини қўллаб-куватлаш учун Осиё тараққиёт банкининг 200 млн. долл. миқдоридаги маблағларини жалб қилиш тўғрисида”ги қарори билан “Ўзбекистон Республикасида электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” инвестиция лойиҳаси техник-иқтисодий асосланувининг асосий техник-иқтисодий кўрсатқичлари тасдиқланди. Қарорга кўра Осиё тараққиёт банкидан жалб килинган қарз Ўзбекистоннинг республика бюджети харажатларини ҳамда қисман инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун ажратилади.

¹ <https://lex.uz/docs/5055690>

² <https://lex.uz/docs/5060630>

³ <https://lex.uz/docs/5068824>

2020 йил 30 октябрда мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солик қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашища вазирлик ва идораларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда солик ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича «йўл харита»си тасдиқланди. Бизнеснинг «соядан» чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, солик режимини соддалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини қўриш, қабул қилинаётган норматив-хуқуқий хужжатларни шаклланган бизнес юритиш амалиётига мослаштириш, солик ва божхона маъмуриятчилиги воситалари ҳисоб ва тушумларнинг тўлиқлигига, шу жумладан солиқлардан бўйин товлаган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга қаратилишини таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини «пулни ювиш»га қарши курашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш Яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича маҳсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгиланди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.10.2020 йилдаги 674-сонли “Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш Схемаси тасдиқланди. Ушбу қарор билан 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат иштирокидаги корхоналарнинг расмий веб-сайти бўлиши, унда иқтисодий, молиявий ва бошқа статистик маълумотларнинг, шу жумладан, ҳар чорақда йиллик бизнес-режанинг (лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари бажарилиши ва мақсадларга эришиш инобатта олинган ҳолда) бажарилиши ва ривожланиш стратегияларида назарда тутилган дастурларнинг натижалари тўғрисидаги ҳисботни жойлаштириш тўғрисидаги вазирлик ва идораларнинг таклифи маъкулланди. Қарорда белгилangan тартибга кўра давлат иштирокидаги корхоналар бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, солик ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар, ташки қарздорлик, маҳаллийлаштириш ва инвестиция лойиҳалари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича ҳисбот даврининг кейинги ойи давомида, йил якунлари бўйича кейинги молия йилининг 25 февралига қадар электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Агентликнинг маҳсус ахборот тизимида жойлаштириб боради⁵.

Ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрдаги 732-сонли “Курилиш соҳасида ахборот тизими ва географик ахборот технологияларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими тўғрисидаги низом, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ва “Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизимини янада ривожлантириш ва унинг “Электрон хукумат” тизимига интеграциялашуви бўйича

⁴ <https://lex.uz/docs/5073459>

⁵ <https://lex.uz/docs/5073659>

чора-тадбирлар режаси тасдиқланди⁶. Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.09.2019 йилдаги “Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-4464-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни ва қурилиш жараёнининг барча босқичларини рақамлаштиришни ташкил қилиш мақсадида қабул қилинди.

Солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий рақамили шаклини жорий этиш, солиқлар ва йигимларни ундиришда (тўлашда) солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон маълумот алмашинувини такомиллаштириш ҳамда назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини янада такомиллаштириш мақсадида 2020 йил 20 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги 736-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби түғрисидаги, Солиқ тўловчининг банк ҳисобвараклари билан боғлиқ операциялар бўйича солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон маълумот алмасиши тартиби түғрисидаги ва Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ундирилган давлат божи ва бошқа йигимларнинг бюджет тизимига тушумларини ҳисобга олиш тартиби түғрисидаги низомлар тасдиқланди⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сонли “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш түғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантириш Стратегиясини 2021-2025 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди⁸. Стратегиянинг мақсади – қурилиш тармоғида бошқарувнинг замонавий услубларини шакллантириш, лойиҳаларни амалга оширишда инвестициявий жозибадорликни ошириш ва инновацион ечимларни жорий этишга йўналтирилган ўзгаришларни амалга ошириш.

Декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, БМТ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ҳамда БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-4922-сонли қарорига мувофиқ ушбу ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Ушбу қарорда 2020 йил 2-4 ноябрь кунлари бўлиб ўтган ФАОнинг Европа учун 32-Минтақавий конференциясида Ўзбекистон Республикаси икки йил муддатга ушбу Минтақавий конференциянинг раиси этиб сайлангани қайд этилган ва Ўзбекистон Республикасининг БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, БМТ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ҳамда БМТ Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури билан ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда ФАОнинг Европа учун 32-Минтақавий конференциясида Ўзбекистон Республикасининг муваффақиятли раислик қилишини таъминлаш бўйича “йўл харитаси” келтирилган⁹.

2020 йилнинг 25 декабрида “Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети түғрисида”ги ЎРҚ-657-сонли қонуни қабул қилинди. Қонуннинг тегишли иловалари билан 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2022-2023 йилларга бюджет мўлжаллари, 2021 йил учун

⁶ <https://lex.uz/docs/5112432>

⁷ <https://lex.uz/docs/5115911>

⁸ <https://lex.uz/docs/5130468>

⁹ <https://lex.uz/docs/5164680>

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022-2023 йилларга мақсадли мўлжаллари, 2021 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда харажатлари ва бюджет билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар тасдиқланди. 2021 йил учун консолидациялашган бюджет дефицити прогнози 37534,2 млрд. сўмни, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари дефицити прогнози 17346,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда¹⁰.

Республикада хом ашё базасини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияларни кенг жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини таъминлаш, шу асосда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудудларни жадал ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.12.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ марказлашган инвестицияларнинг 2021 йил учун прогнози 52005 млрд. сўмни ташкил этмоқда, 2022 ва 2023 йилларда эса – мос равища 60196 млрд. сўм ва 68337 млрд. сўм. Марказлашмаган инвестицияларнинг 2021 йил учун прогнози 199079 млрд. сўм, 2022 йил учун – 249139 млрд. сўм, 2023 йил учун эса 299593 млрд. сўмни ташкил этмоқда¹¹.

2020 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сонли қарори қабул қилинди¹². Ушбу қарорда 2021 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ҳамда стипендиялар миқдори 1,1 баробарга оширилиши белгиланди. Шунингдек ушбу меъёрий хужжатда 2021 йил учун Давлат бюджети даромадлари прогнози ҳам қайд этилган: 147202,3 млрд. сўм, шу жумладан бевосита солиқлар – 46845,2 млрд. сўм, билвосита солиқлар – 62526,7 млрд. сўм, ресурс солиқлари ва мол-мулк солиги – 19426,8 млрд. сўм, бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар – 18403,6 млрд. сўм.

Стратегик режалаштириш ҳамда макроиктисодий параметрлар прогнозларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича лойиҳа томонидан тайёрланди

¹⁰ <https://lex.uz/docs/5186044>

¹¹ <https://lex.uz/docs/5189872>

¹² <https://lex.uz/pdfs/5193227>